*Туман бўлимларида*

# ДАДИЛ ҚАДАМЛАР



**Искандар АСЛОНОВ, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси Мирзо Улуғбек тумани бўлимининг раиси:**

— «Камолот» жамғармасининг аввалги ёшлар ташкилотларидан фарқли, давр талабларига мос жиҳати шундаки, у фақатгина «юқори»дан мадад кутмай, мустақил маблағ ишлаб топиш ва уни ўз фаолияти, эҳтиёжлари учун сарфлашда катта имтиёзларга эга. Мустақил иқтисодий фаолият туфайли қулай молиявий мавқега эришиш барча йўналишдаги ишларимизда катта имкониятлар яратади. Яна таъкидлашим керак, барча зарур маблағларни ўз кучимиз билан топишимиз лозим. Катта ишнинг бошланиши албатта осон кечмайди, шу сабабли жамғармамизнинг 5 йил муддатга барча солиқлардан озод этилганлиги ҳам биз учун катта имтиёз ҳисобланади. Ҳозирча тадбиркорлик ва бизнес соҳасидаги ишларимиз илк босқичдан ўтмоқда, дастлабки натижалар эса умидли истиқболдан дарак беради. Кези келганда шуни алоҳида айтиш кераккн, бизга кўпгина масалаларда туманимиз ҳокимлиги катта ёрдам кўрсатмоқда. Бу эса бизнинг зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Ўз режаларимизни биргаликда амалга ошириш учун туман халқ таълими бўлими ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйдик. Масалан, Қорасув — 2 мавзесидаги 208-мактаб қошида «Камолот — спорт» фирмасини очишимизда туман халқ таълими бўлимининг мудири Талъат ака Нурмуҳамедов катта ёрдам берди. Ҳозир ушбу спорт фирмаси қошидаги ўндан зиёд шўъбаларда 300 нафарга яқин мактаб ўқувчилари қатнашмоқда. Таниқли мураббий Александр Старостин раҳбарлигида 1980-81 йилларда туғилган ўсмирлардан иборат «Камолот» баскетбол жамоаси тузилиб, турли мусобақаларда қатнашяпти. Илк ютуқлар ҳам чакки эмас. МҲСК клубида ўтказилган мусобақада баскетболчиларимиз энг ёш жамоа бўлишига қарамай, 2-ўринни эгаллади. «Камолот» ҳомийлигидаги ушбу спорт фирмаси тезда кенгайиб, ёшлар ўртасида оммавийлашиб бормоқда. Негаки унда моҳир устозлар раҳбарлик қилаётган жаз-денс, спорт рақси каби шаҳарда ягона бўлган шўъбалар бор, уларда қатнашиш бадали бошқа спорт клубларидагидан анча арзон. Хуллас, спорт фирмамизнинг фаолиятидан мактаб ўқитувчилари ҳам, ота-оналар ҳам хурсанд. Чунки, болаларнинг бўш вақтларида шуғулланишлари учун бундай даргоҳ айни муддао. Спорт фирмасининг истиқболи порлоқ, ҳозирча шўъбаларни спорт буюмлари ва зарур жиҳозлар билан таъминлашни жамғармамиз ўз зиммасига олган. Ҳисоб-китобларга кўра, яқин вақтлар ичида «Камолот» спорт фирмаси ва унинг бўлимларида туманимизнинг 60-70 фоиз ёшлари қатнаша бошлайдилар. Соғлом авлод тарбияси йўлида муҳим восита — спорт соҳасидаги ишларимиз фақат шу билан чеклангани йўқ. Бошқа бир қатор мактабларда ҳам жамғармамиз ҳомийлигида кичик футбол, теннис, шарқона яккакураш каби кураш турлари бўйича тўгараклар очилмоқда.

Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашга кўмаклашиш мақсадида туман ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда махсуслаштирилган ёшлар гуруҳлари тузиляпти. Келгусида милиция мактабларида ўқиб, ички ишлар соҳасида хизмат қилиш орзусидаги ёшлар учун бундай гуруҳлар мақсадлари йўлидаги дастлабки ва ишончли поғона ҳисобланади.

Ёшларнинг «Камолот» жамғармаси тузилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шунинг учун ҳозирги вақт жамғармамизни ёшларга кенг таништириш ва улар ўртасидаги нуфузини мустаҳкамлаш даври ҳисобланади. Бугунги шароитда бу ишни илгаригидек деярли мажбуран аъзоликка қабул қилиш ва бадал йиғиш билан амалга ошириб бўлмайди. Жойларда «Камолот» жамоатчилик марказларини тузишда асосан сон эмас, балки имконият, қилинаётган ишлар ва шароитга қараб иш тутамиз. Яъни, корхона, ташкилот ёки маҳаллалардаги, қаердаки, жамоатчилик марказларини очсак, энг аввало унинг аъзоларини ойлик маош билан таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Чунки ҳозирги шароитда моддий манфаатдорлик бўлгандагина ишлар ҳам кутилганидек яхши бўлиши сир эмас. «Камолот» жамғармаси республикамиз ёшлари ҳаётининг барча жабҳаларида ўз сўзи, мақсади ва мадади билан фаол қатнашсагина юксак мавқе ва нуфузга эришиши, шубҳасиз. Яқинда жамғармамиз фаолларидан иборат вакиллар билан Тошкент вилоятининг пахтазорларида бўлиб, илғор теримчиларга мукофот сифатида 26 та «Семурғ» радиоприёмникларини топширдик. Ёшлар ҳаёти, уларнинг муаммолари ва ютуқлари доимо «Камолот» эътиборида эканлигини кўрсатувчи бундай тадбирлар кўламини келгусида янада кенгайтириш ниятимиз бор. Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйига жамғармамиз ҳам ўз тўёналари билан қатнашмоқда. Бу борадаги асосий мақсадимиз — ёшларга буюк бобокалонимиз ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўргатиш, уларни миллий мерос, қадимий обидаларимизни асраб-авайлашга даъват этишдан иборатдир. Яқинда туман болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида Ўзбекистон тарихи ва рамзлари бўйича ўтказилган туман кўрик-танловининг якуни бўлди. Унда 241,210 ва 99-мактабларнинг жамоалари ўзларининг чуқур билимларини намойиш этиб, юқори ўринларни эгалладилар.

Хуллас, юқорида айтилган гаплар жамғармамиз фаолиятидан айрим лавҳалар, холос. Келгусидаги режаларимиз катта. Асосий эътиборни тил ўргатиш марказларини кўпроқ очиш, тарих ва миллий анъаналаримизни кенг тарғиб этиш, спорт ва тадбиркорлик ишларини янада жонлантиришга қаратмоқчимиз. Маҳалла ёшларининг жамғармамиз билан алоқаларини кучайтирамиз.



***СУРАТДА:** туман ёшлари спорти ҳаётидан бир лавҳа.*

# ДАВР ТАЛАБЛАРИГА МОС

Республикамиз Президенти ва ҳукуматимиз ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама камол топган ворислар бўлиб етишувлари учун катта ғамхўрлик кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ана шу мақсадда, ёшларда чуқур билим, юксак маънавият ҳосил қилиш, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини юксалтириш, замонавий ишбилармонлик, тадбиркорлик ва омилкорликни шакллантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадларида ташкил этилган хайрия-жамоат бирлашмасидир.

Азиз ёшлар! «Камолот» жамғармаси:

Амалий ёрдам ва маслаҳатлар бериш;

Энг қизиқарли лойиҳа ва режаларингизни амалга ошириш;

Қобилиятли ёшларни ҳар томонлама, шунингдек, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

Яхши дам олиб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришингиз учун ҳамкорлик қилишга доимо тайёрдир.

Жамғармамизнинг жойлардаги бўлимларига ўз режа ва лойиҳаларингиз билан мурожаат этинг!

Камолотга интилинг!



**Нилуфар Алимова «Учқун» ҳиссадорлик жамиятига келиб ишлаётганига ҳали кўп вақт бўлмаган бўлсада, лекин тикувчилик касбига чин дилдан меҳр қўйди. Устозлари ва дугоналарининг маслаҳатларига қулоқ солиб, ҳозирги кунда энг сифатли маҳсулот тикиб чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унинг бундай шижоатидан бошқалар ҳам мамнун бўлишмоқда.**

***СУРАТДА:** Нилуфар Алимова.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*1996 йил — Амир Темур йили*

# ТАРИХ ИЧРА ЯГОНА



«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳам соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Бу ерда янги ўқув йилидан бошлаб яхши анъана давом этяпти: шаҳарча ҳокимлиги, талабалар касаба уюшмаси ва «Камолот» жамғармаси бўлими томонидан ҳар жума кунлари «Ёшлик» қаҳвахонаси ёнидаги ободонлаштирилган майдончада турли маданий тадбирлар, кулги ва қўшиқ кечалари ўтказилмоқда. Қувонарлиси шундаки, бундай концерт ва тадбирларни ўтказиш учун таниқли қизиқчи ва хонандалар, артистларни излаш шарт эмас. Негаки, барча санъат турлари бўйича яхшигина истеъдод соҳиблари талабалар орасидан истаганча топилади. Ёшларнинг қувноқ давраси ўзгача: бунда ҳамма бирдек мухлис, ижодкор ва ижрочи ҳисобланади.

Яқинда ўтказилган ана шундай «Жума оқшоми» маърифий кечаларининг бири буюк соҳибқирон юбилейига бағишланди. Уни «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Муқаддам Расулова кириш сўзи билан очди.

— Азиз талаба ёшлар, — деди жумладан Муқаддам Расулова ўз сўзида. — Истиқлол туфайли буюк аждодларимиз, шунингдек соҳибқирон Амир Темур тарихини ўрганиб, улар билан фахрланиш бизга насиб этди. Халқимизнинг не-не асл фарзандлари бундай ёруғ кунларни орзу қилиб армонда ўтдилар. Азиз ёшлар, сиз ҳозир талабасиз, шунинг учун олдингиздаги энг муҳим вазифа — кунт билан билим олиб, буюк боболарга муносиб авлод бўлиб етишишдир. Ватанимизнинг буюк келажаги ҳам сизларнинг нечоғлик пухта билим эгаллашингизга боғлиқдир!

Шундан сўнг муборак жума маърифий оқшомининг мусиқий чиқишлар билан ўзгача файз кирган қизғин савол-жавоб қисми бошланди. Мулоқот мавзуси эса, албатта, буюк соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти, ул зот қолдирган буюк маънавий мерос хусусида бўлди. Темурхонлик суҳбатида фаол қатнашиб, ўзларининг соҳибқирон ҳақидаги билимларини намойиш этган талабаларга «Камолот» жамғармасининг совғалари топширилди.

— Аслида икки ойдан буён ҳар жума куни ўтказилаётган маданий тадбирларнинг ҳаммаси Амир Темур тўйига бағишланган, — дейди даврани бошқарувчи, кимё факультетининг талабаси Абдурашид Ёдгоров. — Жума куни кечқурунлари бу майдончада тўпланиш талабалар учун ҳам одат тусига кирмоқда. Ҳар галги мавзулар ва концерт дастурининг янги бўлиши эса бундай давраларнинг янада қизиқарли, мароқли бўлишини таъминламоқда. Барча ташкилий ишлар ва зарур жиҳозлар масаласида «Ёшлик» шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамда «Камолот» жамғармаси бўлимининг хизматлари катта бўляпти. Бунинг учун уларга талабалар номидан ташаккур билдирамиз. Биласизми, турли мавзулардаги савол-жавобларда фаол қатнашувчи талабалар учун совринлар таъсис этилиши уларнинг интилиш ва билимларини рағбатлантириш билан бирга «Камолот» жамғармасининг ёшлар орасидаги мавқеини ҳам мустаҳкамлайди.

Яна соҳибқирон байрамининг «Ёшлик» шаҳарчасида нишонланиши тадбирларига қайтамиз. Қувонарлиси шундаки, бундай тадбирлар туфайли турли соҳалар бўйича билим олаётган талабаларнинг Амир Темур ҳақидаги билим ва тасаввурлари ортяпти. Бу ҳақда уларнинг ўзларидан эшитсак:

• **Одил АСРОР ўғли, Тошкент Давлат юридик институтининг 1-курс талабаси:**

— Бобокалонимиз олти аср аввал «Адолат ва Озодлик дастурингиз, раҳбарингиз ўлсун» дея васият қилганлар: Мана шу сўзларнинг ўзиёқ биз учун буюк шиор эмасми?

• **Замонбек СОЛИЕВ, Тошкент Давлат университети тарих факультетининг талабаси:**

— Нафақат юртимиз, балки дунё халқлари тарихидан ўрганган билимларимга асосланиб, буюк бобокалонимиз ҳақида қуйидагича қисқа, аммо асосли таърифни айтмоқчиман: инсоният тарихида ҳеч бир мамлакатда соҳибқирон Амир Темур каби адолатли, маърифатли, хуллас, ул зотга тенг келувчи ҳукмдор ўтмаган. Бобомиз тарих ичра ягонадир!

• **Ғайрат ТЎРАЕВ, физика факультетининг талабаси:**

— Соҳибқирон Амир Темур даврида илм-фан, иқтисодиёт тараққий этган. Бобокалон фатҳ этилган мамлакатлардаги энг илғор ишлаб чиқариш воситаларидан андоза олиш учун Самарқанд усталарига барча шароитларни муҳайё этганлар. Кўпгина соҳалар бўйича ўта кучли билимга эга бўлганликлари учун ўзлари билан тенгма-тенг баҳслашишга журъат этган олимларни муносиб тақдирлаганлар.

• **Шоира ЭЛМИРЗАЕВА, Раъно НУРБЕК қизи, журналистика факультетининг талабалари:**

— Жаҳонгир, саркардалик билан нозик дид ва туйғу соҳиблари бўлмиш шоирлар ўртасида катта фарқ бор.

Аммо бобомиз ҳар 800 йилда бир бор дунёга келувчи ноёб инсонлар зотидан бўлганликлари учун таъби назм ҳам ул зотга хос хислатдир. Тўғри, Амир Темур кўп шеърлар ёзмаган бўлсалар-да, аммо биргина байтлари бу фикримизни исботлайди:

**Ёрга еткур сабо, ким макр қилмишдир манга.**
**Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анға.**

*Соғлом авлод учун*

# УНУТИЛМАС ИЛК СОВРИНЛАР

«Хадра» ёпиқ теннис корти ишга тушганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо қисқа муддат ичида ушбу ойнаванд сарой юзлаб ёш теннисчилар ва ишқибозлар учун севимли даргоҳга айланди. Бу ерда тажрибали мураббийлар раҳбарлигидаги машғулотлар билан бирга тез-тез турли мусобақалар ҳам ўтказилади. Шуниси қувонарлики, бундай турнирларда махсус совринлар таъсис этиб, ҳомийлик қилиш истагидаги корхона ва ташкилотлар шаҳримизда анчагина ҳисобланади. Ёшларнинг «Камолот» жамғармаси эса ўз дастурида алоҳида белгиланганидек, соғлом авлодни тарбиялаш йўлидаги муҳим омил сифатида жисмоний тарбия ва спорт, жумладан теннис бўйича мусобақалар ўтказишга ҳам катта эътибор бермоқда. Яқинда бу ерда ўсмирлар ўртасида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланиб «Камолот» соврини учун ўтказилган турнир ниҳоясига етди. Унда шаҳримизнинг турли туманларидан келган 60 нафарга яқин ўсмир болалар ва қизлар қатнашдилар. Мусобақанинг биринчи босқичи ўғил болалар ўртасида ўтиб, ғолиблар сайр велосипеди ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Қизлар ўртасидаги баҳслар эса анча қизиқарли ўтди. Кортга тушган ҳар бир жуфтлик мусобақага жиддий ҳозирлик кўрганликлари сезилиб турди. Шу боисдан тўпланган мухлислар ёш теннисчиларни қизғин қўллаб-қувватладилар.

— Теннис ўйинининг шундай такрорланмас сеҳри борки, бу оламга киргач, унга доимий мафтун бўласиз, — дейди Тошкент шаҳар «Камолот» жамғармаси раисининг ўринбосари Зайниддин Қурбонов. — Шу сабабли бир неча соатдаёқ бу ерга келган мухлисларнинг кўпчилиги теннис ўйини қоидаларини анча ўрганиб олдилар. Кўплаб ота-оналар эса ўз фарзандларини теннис саройларида ўқитиш масаласида бизга мурожаат этмоқдалар. Шу сабабли яқин вақтлар ичида барпо этиш мўлжалланган «Камолот» ёшлар спорт марказида теннис майдонларига алоҳида эътибор қаратишни мўлжаллаганмиз. Ажаб эмас, кортда ўйнаётган мана шу қизлар ичидан Штеффи Граф, Моника Селеш каби таниқли теннисчилар етишиб чиқса. Ахир йирик ғалабалар ҳам дастлаб шундай кичик мусобақалардан бошланади-ку.

Қизлар ўртасидаги қизғин баҳслардан сўнг ғолиблик шоҳсупасига Ольга Тимофеева («Хадра» теннис саройи), Александра Сорокатяга («Пахтакор» теннис мактаби) ва Юлдуз Дўстова (Мирзо Улуғбек туманидаги «Скиф» теннис тўгараги)лар кўтарилдилар. Уларга Тошкент шаҳар «Камолот» жамғармасининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Шунингдек, умидли теннисчиларни тарбиялаётган мураббийлар ҳам мусобақа ҳомийси — «Камолот» жамғармасининг махсус совринлари билан тақдирландилар. Қизлар ўртасидаги мусобақанинг яна бир қувонарли натижаси шундаки, бошловчи ҳаваскор теннисчилардан Гўзал Сайфулина ва Дилдора Рихсиевалар кортларда илк муваффақиятга эришиб, дастлабки унутилмас эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

# КАМОЛОТ

## Ўзбекистон ёшларининг «КАМОЛОТ» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими саҳифаси

# ЭЪТИРОФ ВА ТАКЛИФЛАР

• **Муҳаммадсобир Эгамбердиев, Ҳамза туманидаги Бобур номли маҳалла кенгашининг раиси:**

— Маҳалламиз аҳолисининг тенг ярмини ёшлар ташкил этади. Уларнинг ичида талабалар, корхона ва ташкилотларда ишловчи, савдо, тадбиркорлик ва тижорат билан шуғулланувчилар, шунингдек, вақтинча ҳеч қаерда ишламайдиганлар ҳам бор. Биласизми, ана шу ёшларнинг барчасига умумий маслакдош, ҳамкор ва етакчилик қилувчи ташкилотнинг зарурлиги шубҳасиз. Айниқса, ёшларнинг бундай даргоҳи бевосита маҳалланинг ўзида очилса, янада мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун маҳалламизда «Камолот» жамғармасининг жамоатчилик маркази тузилишини мамнуният билан маъқулладик. Жамғарманинг вакиллари ўз тенгдошларининг истак ва муаммоларига яқиндан ёндошиб, анчагина ишларни амалга оширяптилар. Масалан, яқинда жамғарманинг ҳомийлигида ўтказилган меҳнат ярмаркасида маҳалладаги бир неча нафар йигит иш билан таъминланди. Спорт мусобақалари, турли байрам тадбирларини уюштириш ҳам жамоатчилик марказининг доимий юмушларидан ҳисобланади. Тадбиркорлик, тижорат ва савдо ишлари билан шуғулланувчи ёшларимиз «Камолот»дан мамнун. Чунки жамғарма уларга зарур ҳуқуқий маслаҳатлар беради.

• **Маъруф РАСУЛОВ, ўрта мактаб ўқитувчиси:**

— «Камолот» жамғармаси ёшларнинг ҳақиқий ҳамкорига айланиши учун кенг имкониятларга эга. Айниқса, жамғарма соғлом авлодни тарбиялашдаги муҳим восита — спортга катта эътибор қаратаётганлиги қувонарлидир. Шунингдек «Камолот»нинг ўрта таълим мактабларидаги нуфузини янада ошириш учун кўпроқ ишлар қилиниши керак, деб ўйлайман. Масалан, ҳар бир ўқувчининг моддий манфаатдорлиги, демакки қизиқиш ва интилишларини ўстириш мақсадида имкониятга қараб, махсус «Камолот» стипендияси таъсис этилса, айни муддао бўларди.

• **Дилором ҒОФУРОВА, уй бекаси:**

— «Камолот» жамғармасига раҳмат! Боғдаги сайилларда ёш фарзандларимизни ҳам унутишмабди. Хотиржам, мириқиб дам олдик. Ана шундай сайиллар тез-тез ўтказилса, ишдан сўнг фарзандларимизни етаклаб, баҳузур ҳордиқ чиқаришга нима етсин! Яқинда катта ўғлим футбол мусобақасида қатнашиб, «Камолот» совринини олди. Бу соврин Шуҳратжоннинг энг биринчи ютуғи бўлганлиги сабабли ҳаммамиз учун қадрлидир. Шундан бери «Камолот», унинг тадбирларига қизиқишимиз кучайди. Раҳмат, ҳаммаларига.

• **Муҳиддин АКРОМОВ, Абдували САФОЕВ, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг талабалари:**

— «Камолот» жамғармаси энг яхши бизнес-режа учун танлов эълон қилган экан. Ҳозир шу иш устида жиддий ўйлаяпмиз. Биринчи ўрин учун катта мукофоти бор экан. Уни албатта биз оламиз, деган, орзуимиз ҳам бор. Шунинг учун режанинг турли хил вариантларини тузиб, биргаликда ҳисоб-китоб қиляпмиз. Ҳар ҳолда, икки кишининг фикри салмоқлироқ-да.

• **Ботирбек ҚОДИРОВ, ўрта мактаб ўқувчиси:**

— Адабиётга жуда қизиқаман. Маҳалламизда «Камолот» жамғармаси томонидан тузилган «Ниҳол» ёш ижодкорлар клубида қатнашаман. Истагим — «Камолот» шаҳар ёки туманимиз миқёсида иншолар танловини ўтказса.

• **Александра СОРОКОТЯГА — 14 ёшда, теннисчи:**

— Мен яқинда бўлиб ўтган турнирда «Камолот» совринини олдим. Бу соврин «Чэлленжер» ва Дэвис кубоклари йўлидаги энг дастлабки муваффақиятимдан эсдалик. Шу сабабли у мен учун жуда қадрлидир.

***СУРАТДА:** «Камолот» жамғармаси ўтказган мусобақалар пайти.*



*Маҳаллалар билан ҳамкорлик*

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ОЛДИДАН

Чилонзор туманидаги янги маҳаллаларнинг кўпчилиги кўп қаватли уйлардан ташкил топган. Ҳукуматимиз томонидан халқимизнинг асрий қадриятлари ўчоғи бўлмиш маҳаллалар ҳаётига катта эътибор берилаётгани боис, бири иккинчисини такрорламайдиган шинам ва гўзал гузарлар барпо этиляпти. «Камолот» жамғармаси Чилонзор тумани бўлимининг маҳаллалардаги жамоатчилик марказлари ҳам айнан гузарларда тузилиб, фаолият юритмоқда.

— Ишни энг аввало маҳалла гузарида алоҳида «Ёшлар хонаси»ни очишдан бошлаяпмиз, — дейди «Камолот» жамғармаси Чилонзор тумани бўлимининг раиси Тоҳир Ёқуббоев. — Ушбу жамоатчилик марказлари жойлардаги ёшларнинг муаммо ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ўз режаларини тузмоқда. Масалан, маҳаллалардаги кўпгина ёшларда ўз тадбиркорлик фаолиятини ёритиш, савдо-сотиқ ишларига қизиқиш кучли. Биз бундай интилишларни тўғри баҳолаганимиз ҳолда уларга қулай имкониятлар яратишга киришмоғимиз лозим. Ҳозирча ана шундай имкониятлар сирасига ёшлар хоналарида тадбиркорлик бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар хизматини ташкил этиш, фирма ва корхоналар билан турли бизнес-режалар асосида ҳамкорлик қилиш учун шартномалар тузилаётганлигини айтиш мумкин. Вақти келиб, бундай жамоатчилик марказлари ўз ҳисоб рақамларига эга бўладилар. «Камолот» жамғармаси тасарруфида ишловчи фирма ва бизнес тузилмаларига ана шу тарика асос яратяпмиз. Булар — жамғармамизнинг маҳаллалар ҳаёти ва тадбиркорлик йўналишидаги ишларидан айримларидир.

Туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ўсмирларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ҳарбий хизматга тайёрлаш учун кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Чилонзор туманида ҳарбий хизмат ёшига етган бир неча юз нафар ёшлар бўлиб, уларнинг маълум бир қисми олий ўқув юртларининг талабалари ҳисобланадилар. Баъзи ёшлар эса, қонунда белгиланган тартибга кўра, муқобил хизматни ўташ истагини билдирмоқдалар. Яқинда 188- ва 281-мактабларда ҳарбий хизматга чақирилувчилар билан учрашув кечаларини уюштирдик. Ёшларни қизиқтирган барча саволларга тегишли ташкилотлардан таклиф этилган вакиллар атрофлича жавоб бердилар. Шунингдек, уларнинг ҳарбий хизмат ҳақидаги тасаввурларини янада бойитиш мақсадида шаҳримиздаги ҳарбий қисмларда ўз бурчларини аъло даражада ўтаётган аскарлардан бир гуруҳини таклиф этдик. Бундай тадбирлар бошқа маҳалла ва мактабларда ҳам ўтказилмоқда.

*Бандлик хизмати*

# КАФОЛАТЛИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Ҳозирги кунда жамғармамиз олдида турган асосий вазифалардан бири — ёшларимизни иш билан таъминлаш муаммосидир. Бу борада бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда қўшма дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унда бир қатор зарур тадбирлар белгиланган. Меҳнат ярмаркаларини мунтазам ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг натижасида Тошкент шаҳри бўйича 800 га яқин ишсиз ёшларга доимий ва мавсумий ишлар ҳамда касбга йўналтирилган курсларда ўқиш учун йўлланмалар берилди. Умуман, бугунги кунда Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотларда ҳаммаси бўлиб 18 мингга яқин бўш иш ўринлари мавжуд бўлиб, шундан 12 мингдан ортиғи ишчи ўринларидир.

Бизнинг мақсадимиз ишсиз ёшларимизни ўзларига мос иш билан таъминлашдир. Айниқса бугунги кунда асосий эътиборни мактабларнинг 11 ва 9-синфларини битирган ишсиз ёшларимизга қаратмоқдамиз. Ушбу мақсадда шу йил 20 сентябрдан 20 октябргача Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси, шаҳар халқ таълими бош бошқармалари билан ҳамкорликда «Бўш иш ўринлари» меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Ҳозирги кунда шаҳардаги мавжуд ишсиз ёшларни аниқлашда бизга маҳалла қўмиталари яқиндан ёрдам бермоқда. Маҳаллалар орқали ёшлар ҳақида маълумот тўплаш кўп томонлама қулай эканлиги ҳам ишимизда қўл келяпти.

***Зайниддин ҚУРБОНОВ.***

**Саҳифани «Тошкент оқшоми» мухбири Бахтиёр ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

